

Жўрабек СОДИҚОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти

ИМОМ МОТУРИДИЙНИНГ «ТАЪВИЛОТ АҲЛАС-СУННА» ТАФСИРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

“Таъвилот аҳли-с-сунна” ёки “Таъвилот ал-Қуръон” номи билан танилган машҳур тафсирни Абу Мансур Мотуридий ҳақида ўз асарларида ёзган барча муаллифлар алоҳида эътибор ва ҳурмат билан эслаб ўтишади. Мазкур асар мотуридия таълимоти асосларидан бўлиб, олим издошлари учун бу тафсир ўша даврда ҳам, ҳозир ҳам беназир ҳисобланади¹.

Асар тўлиқ ҳолда бугунги кунгача етиб келган бўлиб, уни кўплаб кўлёмалари мавжуд.

Мотуридийнинг ушбу асари Х асрдаги тафсир илми хусусиятларини ўзида тўлиқ мужассам этади. Муҳаддис олимларнинг тафсирдаги услубларидан фарқли равишда у илк бора Қуръонни бошидан охиригача шарҳлаган ҳамда бунда таҳлилий услубни қўллаган. Яъни, у Қуръон оятларига берилган тафсирларни таҳлил этиб, оят шарҳига мос келадиганини ажратиб берган. Бунга туртки бўлган асосий сабаб бидъатчи фирқа ва оқимларнинг Қуръонни таъвил ҳамда таҳрифлари орқали далил қилишлари бўлган. Чунки, олимнинг тафсирида асосий эътибори ақидавий масалаларни кенгроқ шарҳлашга, оқимларни

номма-ном келтириб уларнинг тушунчаларига раддия беришга қаратилади. Тафсир билан танишиб чиққан киши Мотуридийнинг эътиқодий масалалар шарҳларини жамлашга кўпроқ аҳамият берганлигини кўриши мумкин.

Тафсир ва таъвил ҳақида Абу Мансур Мотуридийнинг ўзи шундай деган: “Тафсир бу сўзнинг маъноси қатъи мана шу дейиш ва Аллоҳ ўша сўздан мана шуни мақсад қилган деб, гувоҳлик беришдир. Агар бунга далили бўлса, у ҳолда сўзи тўғри, акс ҳолда, у фақат ўзининг раъйи билан тафсир қилган бўлади. Бу маън этилган. Таъвил эса, бирор сўзнинг тахминий маъносини келтириб, уни қатъи деб айтмай ва Аллоҳнинг назарда тутгани мана шу, деб гувоҳлик бермаган ҳолда ўша маънони бошқа маъноларидан устун қўйиш ҳисобланади”².

Мотуридий тафсир қилишда ҳар қандай оятлар маъносини ихтисослигидан қатъи назар, оддий ўқувчи ҳам тушунишига имкон берадиган даражада аниқ ва енгил тарзда тақдим қилади. Бу асарни ўқиган киши, кўпчилик тадқиқотчилар эътироф қилгани каби, у тўртинчи ҳижрий

¹ Абул Муъин ан-Насафий. Табсиратул адилла. – Байрут: Дарул-кутубил илмия, 1982. – Б. 221.

² Жалолиддин Суютий. Ал-Итқон фий улум ал-Қуръон. – Қоҳира: Магбаату Мустафо, 1951. – Ж. 2. – Б. 173.

асрда эмас, балки ҳозирда ёзилган замонавий тафсир деб ўйлайди³.

“Таъвилот аҳли-с-сунна”нинг асосий ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

– Бундан олдинги тафсирлар, асосан ривоятларга суяниб, таълиф қилинганлиги билан ажралиб туриб, уларнинг аксари “Тафсир бил-маъсур” номи билан танилган бўлса, Мотуридий эса икки услуб, яъни, “ат-Тафсир бил-маъсур” ва “ат-Тафсир бир-раъй”ни бирлаштира олди⁴.

– Олдинги давр тафсирларида асосан, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳадислари ёки саҳобаларнинг сўзлари ҳамда муфассир тобеъинларнинг фикрларига таянилар эди. Муфассир бунда то шу хабарни айтган ровийгача тўлиқ санадни келтирар эди. Ибн Жарир Табарийнинг тафсири бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мотуридий ундан фарқли ўлароқ “Таъвилот аҳл ас-сунна” асарида ривоятларни баён қилаётганда санадларни тўлиқ келтирмайди. Ҳадис бўлсин ёки бошқаларнинг сўзи бўлсин, санадни баён қилишни шарт, деб билмайди. Баъзида, у тафсир мобайнида ривоятни келтирган инсонларнинг ҳам номини зикр қилмасдан тўғридан-тўғри “айтилишича” ва “дейиладик” каби сўзлар билан чекланади. Бундай ҳолатларни бугун замонавий муфассирлар ижодида кузатиш мумкин. Мотуридий эса улардан бир неча аср олдин бу услубни ўз тафсирида қўллаган эди.

– “Таъвилот аҳли-с-сунна” тафсири кенг қамровли ҳисобланади. Бошқа тафсирларда кўпинча бир мавзуга ихтисослашиш кучли бўларди. Асарда бундан олдинги тафсирларга ўхшамаган ҳолда, оятларнинг мазмуни, эътиқодий ва фикҳий масалалар баён этилган. Шунингдек, кўплаб ўринларда тилшунослик илми масалалари ҳам баён қилинган.

Муфассир баъзи ўринларда оят борасидаги фикрларини келтириб ўтар экан, “айтилишича”, “баъзилар шундай дейдилар” ва “фалончининг

келтиришича” каби иборалардан фойдаланади. Бу услубдан нақл билан тафсир қилишда фойдаланади. Шундан сўнг, Мотуридий уларни таҳлил қилишга ўтади ва улардан ушбу оят маъносига энг мувофиқ келадиганини танлаб олади.

Аллома баъзан оят маъносини таъвил қилар экан, унинг бир нечта эҳтимолий томонларини эслатиб ўтиб “... эҳтимоли мавжуд” ва “... бир неча жиҳатлари бўлиши мумкин...” каби иборалардан фойдаланади. Бу эса тафсирнинг раъй билан қилинганлигини кўрсатади⁵.

“Таъвилот аҳли-с-сунна” ўзига хос қирраларидан яна бири: тафсир жараёнида фикҳий ва эътиқодий масалаларни ажратиб кўрсатилган. Бу борада келтирилган турли хил қарашлар ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилинган.

Муфассирлар тафсир мобайнида баъзи сўзлар луғавий маъноларнинг баёнида нодир мазмундаги шеърлардан ҳам фойдаланишади. Таъвилда эса асосан, Қуръони карим, ҳадиси шариф, саҳоба, тобеъин ва уламоларнинг сўзлари билан қифояланади.

Мотуридий ҳадисдан фойдаланганда, унинг маъносини бериш билан қифояланган ва санадини келтириб ўтирмаган. Шунингдек, кўпинча ҳадисни тўлиқ ёзмасдан, фақат кўзланган мақсадни ифодаловчи қисминигина ажратиб олган⁶.

Аллома тафсир давомида суралар фазилати, маккий ва маданий оятлар, носих ва мансукхни баён қилишга эътибор қаратмайди.

“Таъвилот аҳли-с-сунна”да ҳар бир сурани таъвил қилиш бошланганида тўғридан-тўғри оятнинг маънолари баёнига ўтиб кетилади, кўпчилик тафсирлардаги каби кириш қисми қилинмайди.

Юқоридагилардан Мотуридийнинг асари нақадар кенг қамровлилигини ва ўз давридаги тафсир илми ютуқларидан тўла фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

³ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Маждий Басаллум таҳрири остида. – Байрут: Дарул-кутубил илмия, 2005. – Ж.1. – Б. 330.

⁴ Обидов Р. Қуръон, тафсир ва муфассирлар. – Т.: Мовароуннаҳр, 2003. – Б. 75.

⁵ Мотуридий. Таъвилот аҳли-с-сунна. Маждий Басаллум таҳрири остида. – Байрут: Дарул-кутубил илмия, 2005. – Ж.1. – Б. 330

⁶ Юқоридаги асар. – Ж.1. – Б. 331.